

Биз учинчисини умид қиламиз



08:06 / 17.01.2020 2006

Масъудий Авн ибн Абдуллоҳ фақиҳлардан бирига шундай деганини ривоят қилади: **«Кимки Аллоҳга тақво қилса, У Зот унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини пайдо қилур ва ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур»**. (Талоқ сураси, 2-оят). Фақиҳ деди: «Аллоҳга қасамки, биз тақвони ўз жойига қўя олмасак ҳам, У Зот бизга (ташвишлардан) чиқиш йўлини пайдо қилаверади, У Зотга ҳақиқий тақво қила олмасак-да, ризқлантираверади. Ҳақиқий тақво қила олмасак-да, (Аллоҳ) ишимизни осон қилади. Биз эса учинчи йўлни (яъни Аллоҳ таоло тақво қилган бандасининг гуноҳларини кечириш ҳақидаги ваъдасини) умид қиламиз: **«Кимки Аллоҳга тақво қилса, унинг ёмонлик(гуноҳ)ларини ўчирур ва унинг мукофотини буюк қилур»**. (Талоқ сураси, 5-оят).

«Солиҳлар гулшани» китобидан